

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ**  
**МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ МИЛЛИЙ**  
**ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВА ИНОЯТ ЗАКИРЯЕВНА**

**СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ**  
**ҲИСОБИ ВА БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Юлдашева Иноят Закиряевна**

Сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув  
таҳлилини такомиллаштириш..... 3

**Юлдашева Иноят Закиряевна**

Совершенствование бухгалтерского учета и управленческого анализа в  
ассоциациях водопользователей..... 29

**Yuldasheva Inoyat Zakiryaevna**

Improving accounting and management analysis in water user associations..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 60

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ**  
**МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ МИЛЛИЙ**  
**ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВА ИНОЯТ ЗАКИРЯЕВНА**

**СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ**  
**ҲИСОБИ ВА БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022 йил**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.3.Phd/Iqt1122 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ибрагимов Абдугапур Каримович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Эргашева Шахло Тургуновна**  
иктисодиёт фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72; факс: (71) 239-43-51; e-mail: [info@tdiu.uz](mailto:info@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72; факс: (71) 239-43-51; e-mail: [info@tdiu.uz](mailto:info@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси.)

**М.П.Эшов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**С.К. Худойқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Кейинги йилларда жаҳондаги сув танқислиги сабабли, сув ресурслари тақсимотини тартибга солиш ҳамда эҳтиёжга биноан сувдан самарали фойдаланиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу масалада сувдан самарали фойдаланиш энг аввало унинг ҳисобини ташкил қилиш, унинг натижалари асосида бошқарув таҳлилинини юритиш, ҳисоб ахборотлари асосида стратегик ва тактик хусусиятга эга бўлган бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли сувдан самарали фойдаланишнинг ҳисоби ҳамда таҳлилинини ташкил этиш муҳим ҳисобланади. “Ҳозирги замонавий тизимлар сув етказиб бериш ҳисобини автоматлаштирилган ҳолда ташкил этиш, томчилаб суғориш тизимини жорий этиш имкониятини беради ва ушбу жараёнларни халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисоби тизимида ташкил этишнинг заруриятини белгилайди. Бунда сув ресурсларидан фойдаланишнинг ягона, энг яхши йўлини аниқлаш учун белгиланган стандартлардан фойдаланиш муҳимдир. Бу стандартлар материаллар ва меҳнат истеъмолини энг кам даражага келтиришни таъминловчи режани қабул қилиш учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади”.<sup>1</sup> Шу боисдан сув хўжалик ташкилотларининг харажатлари ва молиявий натижалари ҳақидаги ахборотларни молиявий ҳисоботларда акс эттирилишига ҳамда уларни бошқарув таҳлилинини ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда сув истеъмолчилари уюшмаларида харажатлар ва сув истеъмоли таннархинини ҳисобини, бошқарув таҳлилининг назарий ҳамда услубий асосларини такомиллаштириш борасида илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо, дунё мамлакатларида сув истеъмолчилари субъектларида сув етказиб бериш харажатлари ва уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархидаги ўрни турли даражада. Шу сабабли уларнинг бухгалтерия ҳисоби ҳамда бошқарув таҳлили бўйича халқаро даражада эришилган натижаларидан сув истеъмолчилари уюшмаларида суғориш харажатларини камайтириш ва сув бирлиги таннархини пасайтиришда фойдаланиш етарли эмас.

Ўзбекистонда сув истеъмолчилари уюшмаларида суғориш харажатларини камайтириш ва сув бирлиги таннархини пасайтириш бўйича инновацион технологияларни ривожлантиришда муайян натижаларга эришилди. Лекин бугунги кунда сув истеъмолчилари уюшмаларида ушбу харажатларни ҳисобга олиш, истеъмол қилинган сувнинг таннархинини ҳисоби ҳамда таҳлилинини такомиллаштириш борасида ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд. Илмий изланишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу секторни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шу жумладан ушбу масалада Ўзбекистон Республикасида Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги ПҚ-3432-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги

---

<sup>1</sup> Сабодырь М. И.1, Корзоватых Ж. М. Управленческий учет в сфере водных ресурсов //Экономические науки. 2018. №4.

соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, илм-фан ютуқлари ва инновацион янгиликларни тизимли жорий этиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, фермер хўжалиklarининг ер участкалари, дала четлари ҳамда суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари бўйларидаги ерлардан самарали фойдаланиш орқали уларнинг даромадларини янада ошириш масаласига катта эътибор қаратилди ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари ҳисобидаги суғориш тармоқларини тозалаш ва шарбат суви ўраларини қозиш тадбирларини ташкил этиш, уларни механизмлар билан таъминлаш учун техника воситаларини жалб этиш каби ишларни бажаришда вужудга келадиган харажатларни таннархда акс эттириш муаммолари вужудга келади.

Айниқса, сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва унинг ахборотларини шаффофлигини таъминлаш, бошқарув таҳлилини амалиётда қўллаш натижасида фойдаланилмаган резервларни ўз вақтида ва тезкор аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш зарурияти пайдо бўлади. Натижада ҳисоб ва бошқарув таҳлилини ташкил этишнинг замонавий усулларида фойдаланишни зарурат қилиб қўймоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, сув истеъмолчилари уюшмалари харажатларини ҳисобга олиш, сув истеъмолчилари уюшмаларида таннарх ҳисоби ва таҳлили услубиёти тўлиқ яратилмаганлиги ҳамда мазкур муаммоларнинг мавжудлиги тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5367-сон “Фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 декабрдаги ПҚ-3432-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, илм-фан ютуқлари ва инновацион янгиликларни тизимли жорий этиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш,

инновацион иқтисодиётни шакллантириш”нинг устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сув хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, сув етказиб бериш харажатлари ва сув таннархи таҳлилини назарий, ташкилий ҳамда услубий жиҳатлари умумий шаклда хориж олимлардан Г.М.Беляева, А.В.Беляев, В.В.Банк, А.А.Боголюбова, В.Ф.Ковязин, М.Х.Вахаев, Ю.А.Пантелеева, О.Исаев, Ф.Ф.Гафаров, К.О.Койшыбаев, В.В.Ковалев, Клаудиа Садофф, Майк Мюллер, Н.В.Радионон, С.П.Радионова, А.Ф.Ионова, Н.Н.Селезнева, М.И.Сабодыр, Ж.М.Корзоватых <sup>2</sup> каби иқтисодчи-олимларнинг илмий ишларида, шунингдек, мамлакатимиз олимлари И.Т.Абдукаримов, И.Л.Абдурахимов, Ў.П.Умурзаков, Ш.Т.Эргашева, А.З.Табаев, Ф.Х.Шафқаров, А.К.Ибрагимов, А.В.Ваҳобов, А.Т.Иброҳимов, Н.Ф.Ишонкулов, М.Қ.Пардаев, Н.Юсупов, Ч.Зикрияев, А.З.Табаев, Ш.Муминов ва бошқаларнинг <sup>3</sup> илмий ишларида мазкур йўналишнинг маълум услубий томонлари баён этилган.

Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, ушбу манбаларда келтирилган фикр-мулоҳазалар, айнан, сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини ташкилий асосларини ишлаб чиқиш ва бошқарув таҳлилини ташкил этиш методологиясига қаратилган масалалар тизимли равишда илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатдан тўлиқ асослаб берилмаган. Ушбу

<sup>2</sup> Беляева Г.М., Беляев А.В. Учет и анализ затрат на мелиорацию земель: М.: Издательство “Статистика”, 1980. -208с. Банк В.В. Организация учета и экономического анализа основных средств на предприятиях, перерабатывающих водные биоресурсы. Спец.: 08.00.12 - "Бухгалтерский учет, статистика" Автореферат дисс. на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Саратов, 2004., Боголюбова А.А., Ковязин В.Ф. Преобразование учета водных объектов. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 1999.-471с. Вахаев М.Х. Теория и практика земельных отношений. «Юридический центр Пресс», 2002. -528с., Пантелеева Ю.А. Учетно-аналитическое обеспечение контроля затрат на экологическую безопасность. Автореферат дисс. канд. экон. наук, Самара, 2011. 21с. Исаев О., Гафаров Ф.Ф., Койшыбаев К.О. Проблемы автоматизации, организации учета воды в оросительных системах Республики Казахстан. // Водное хозяйство Казахстана №. С.6 (62) ноябрь - декабрь 2014. С.38-48. Клаудиа Садофф, Майк Мюллер. Управление водными ресурсами, водохозяйственная безопасность и адаптация к изменению климата: первые воздействия и необходимые ответные меры. Астана, ПРООН, 2019.-425с., Ковалев В.В. Финансовый анализ: методы и процедуры. М.: Финансы и статистика, 2005.-560с. Радионон Н.В., Радионова С.П. Основы финансового анализа: математические методы, системный подход. СПб.: Альфа, 1999.-592с. Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н. Финансовый анализ. М.: ТК Велби, Изд-во проспект, 2008.-624с., Сабодыр М. И., Корзоватых Ж. М. Управленческий учет в сфере водных ресурсов. // журнал Экономические науки. 2/2015. С.12-19.

<sup>3</sup> Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари = Как читать и анализировать финансовую отчетность: -Т: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1999. -320 б. Умурзаков Ў.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. Тошкент: "ИQTISOD-MOLIYA", 2008., -468Б., Эргашева Ш.Т. Сув хўжалиги инфратузилмаларида бошқарув ҳисоби ва таҳлили услубиёти./Монография.-Т.: "ИQTISODIYOT".2019., Юлдашева И.З., Табаев А.З., Шафқаров Ф.Х. /Сув истеъмолчилар уюшмаларида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва услубий асослари./ Монография. -Т.: ТИҚХММИ. 2019., Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини такомиллаштириш и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.автореф.-Т.:БМА, 2002.-41б. Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонкулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили : Дарслик . -Тошкент: "Шарк", 2005. -480 б. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари : 08.00.08 : Иқтисод фанлари доктори ... дисс. . Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. -Т., 2002. -43 б. - Сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва молиявий ҳисобот тузиш бўйича услубий тавсиялар / Н. Юсупов [ва бошқалар]; масъул муҳарир Б. Хайдаров; УзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, УзР Молия вазирлиги, Швейцария Ривожланиш ва Ҳамкорлик Агентлиги “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш” 2-босқич лойиҳаси. - Тошкент: МЧЖ “Optimal light”, 2015. -280 б. .

соҳадаги муаммоларни бир-бирига узвий боғлиқликда ва яхлит ҳолда ўрганишга бағишланган илмий ишлар етарли эмаслиги, бу эса ўз навбатида ушбу мавзуда илмий-тадқиқот олиб бориш, шунингдек, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация иши Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ “Суғорма деҳқончиликда сувдан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асослари” мавзусидаги тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув таҳлилини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сув истеъмолчилари уюшмасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш усуллари ва бошқарув таҳлилининг назарий асосларини очиб бериш;

сув истеъмолчилари уюшмасида ҳисоб сиёсатининг хориж тажрибаси ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этишни ўрганиш асосида уни такомиллаштиришга доир тавсияларни ишлаб чиқиш;

мелиорация ва ирригация харажатларини ҳисобга олиш, назорат қилиш ва уларни таҳлилини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

сув истеъмолчилари уюшмасида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва харажатлар таҳлилини такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш;

сув истеъмолчилари уюшмасида сув таннархини пасайтириш ҳамда харажатлар таркибини таҳлили бўйича илмий жиҳатдан асосланган ҳолда сув таннархини арзонлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган сув истеъмолчилари уюшмалари, шу жумладан, бевосита Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув таҳлилини ташкил этиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, тизимли ёндашув, мантикий фикрлаш, монографик кузатув, таққослаш, омилли таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

сув истеъмолчиларидан тушган даромадларни алоҳида юритиш учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклига қўшимча равишда “Молиявий активлар” бўлимида 147-“Сув истеъмолчиларидан тушган тушум” номли янги сатрни киритиш таклифи асосланган;

сув истеъмолчилари уюшмалари бухгалтерия ҳисобини юритишда 8850-“Биргаликдаги фаолият бўйича шерикликнинг мақсадли тушумлари”, 8860-



“Сув истеъмолчиларидан тушумлар”, 8870-“Кўзда тутилмаган мақсадли тушумлар” номли ишчи счётлардан фойдаланиш таклиф этилган;

сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан сарфланган сув таннархини тўғри ва тўлиқ шакллантириш мақсадида давр харажатларини истеъмол қилинган сув таннархига нисбатан тақсимлаш орқали акс этириш таклифи ишлаб чиқилган;

сув истеъмолчилари уюшмасида бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағларнинг соф фойдага таъсирини аниқлаш орқали келгусидаги харажат, даромад ва соф фойданинг 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистондаги сув истеъмолчилари уюшмасида бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб регистрлари, счётлар режаси, харажатларни умумлаштиришга доир таклифлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг имкониятлари кенгайтирилган;

сув истеъмолчилари уюшмасида зарарсизлик нуқтасини аниқлашнинг хусусиятлари ва келгусида харажатларни прогнозлаштириш бўйича таклифлардан бошқарув ҳисобини ташкил қилиш жараёнида фойдаланилган;

сув истеъмолчилари уюшмаси харажатларига таъсир қилувчи омилларни таркибий жиҳатдан таҳлилий амаллар асосида ўтказишда фойдаланилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, халқаро миқёсда тан олинганлиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва статистик маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган асосий йўналишларини амалга оширишда сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоб сиёсатини шакллантириш, бошқарув таҳлилига оид назарий-услубий махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳозирда амалда қўлланилаётган майдонга асосланган тўлов ўрнига экин турлари бўйича тўловни жорий қилиш, ҳар бир сувдан фойдаланувчининг сувга бўлган эҳтиёжини махсус формула асосида аниқлаш ва шунга кўра сув тақсимотини амалга ошириш, ҳисоб сиёсатини, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлар айланишини ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ҳамда амалий тавсиялардан республикада сув истеъмолчилари уюшмаларининг ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоби ва таҳлилинини такомиллаштириш мақсадида комплекс чора-тадбирлар мажмуини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сув истеъмолчилари уюшмаси фаолиятининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва бошқарув таҳлили методикасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

сув истеъмолчилари уюшмалари бухгалтерия ҳисобини юритишда 8850-“Биргаликдаги фаолият бўйича шерикликнинг мақсадли тушумлари”, 8860-“Сув истеъмолчиларидан тушумлар”, 8870-“Кўзда тутилмаган мақсадли тушумлар” номли ишчи счётлардан фойдаланишга оид таклифи Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишга доир ишчи счётлар режаси ва ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш амалиётга жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 декабрдаги № EZ61847001-сонли маълумотномаси ҳамда Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавзаси бошқармасининг 2021 йил 06 июлдаги 82/01-09-1127-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этиш натижасида сув истеъмолчилари уюшмаларида ҳисоб регистрларини уларга мос вариантини ишлаб чиқиш, ишчи счётлар режаси ва сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан тушумларни алоҳида ҳисобга олиш ҳамда уларни умумлаштириш бўйича йўриқнома ишлаб чиқишда фойдаланилган.

сув истеъмолчилари уюшмасида бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағларнинг соф фойдага таъсирини аниқлаш орқали келгусидаги харажат, даромад ва соф фойданинг 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 декабрдаги № EZ61847001-сонли маълумотномаси ҳамда Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг 2021 йил 06 июлдаги 82/01-09-1127-сонли маълумотномаси) ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси томонидан 2021 йил 23 августдаги 38-сонли маълумотномаси асосида сув истеъмолчилари уюшмасида бюджетлаштириш, зарарсизлик нуқтасини аниқлаш, келгусидаги харажатларни прогнозлаштириш бўйича услубий низом (Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциациясининг) ишлаб чиқишда фойдаланилган. Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида сув истеъмолчилари уюшмаларида зарарсизлик нуқтасини аниқлаш орқали келгусидаги харажат, даромад ва соф фойдани 2026 йилгача бўлган прогнози ишлаб чиқилган.

сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан сарфланган сув таннархини тўғри ва тўлиқ шакллантириш мақсадида давр харажатларини истеъмол қилинган сув таннархига нисбатан тақсимлаш орқали акс эттириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг 2021 йил 06 июлдаги 82/01-09-1127-сонли

маълумотномаси) ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси томонидан (Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциациясининг 2021 йил 23 августдаги 38-сонли маълумотномаси) амалиётга жорий этилган. Мазкур сув истеъмолчилари уюшмаларида давр харажатларини истеъмол қилинган сув таннархига нисбатан тақсимлаш бўйича таклифи бошқарув ҳисобида харажатларни тўғри ҳисоблаш ва давр харажатларини тақсимлаш методикасини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

сув истеъмолчиларидан тушган даромадларни алоҳида юритиш учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклига қўшимча равишда “Молиявий активлар” бўлимида 147-“Сув истеъмолчиларидан тушган тушум” номли янги сатрни киритишга оид таклифи Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавзаси бошқармаси томонидан (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 декабрдаги № EZ61847001-сонли маълумотномаси ҳамда Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавзаси бошқармасининг 2021 йил 06 июлдаги 82/01-09-1127-сонли маълумотномаси) амалиётга жорий этилган. Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш сув истеъмолчилари уюшмаларида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг “Молиявий активлар” бўлимида “Сув истеъмолчиларидан тушган тушум” номли 147-сатрда алоҳида ҳисобга олиш ҳамда ирригация ва мелиорация ишларини таннархини пасайтириш имконини берадиган харажатлар таркиби таҳлилини амалга оширишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 1 та монография, 11 та, жумладан 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган ва ижобий хулосалар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 23 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан 4 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги, зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, кириш қисмида тадқиқот ишининг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари”** номли биринчи бобида иқтисодий эркинлаштириш шароитида СИУларни ташкил қилишнинг, мақсади ва вазифалари, уларда бухгалтерия ҳисоби тизимининг назарий асослари, хориж тажрибаси асосида сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш масалалари баён қилинган. Илмий изланишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу секторни ривожлантиришга мамлакатимизда катта эътибор берилмоқда. Шу жумладан, ушбу масалада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги ПҚ-3432-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, илм-фан ютуқлари ва инновацион янгиликларни тизимли жорий этиш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, фермер хўжалиklarининг ер участкалари, дала четлари ҳамда суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари бўйлаги ерлардан самарали фойдаланиш орқали уларнинг даромадларини янада ошириш масаласига катта эътибор қаратилди.<sup>4</sup> Сув хўжалиги вазирлигининг ушбу вазифаларини бажариш жараёнида энг аввало сув объектлари ёхуд уларнинг қисмларини сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли манбаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишни тўғри белгилаб олишда алоҳида ўрни мавжуд.

Ўзбекистонда сув истеъмолчилари уюшмасини таркибини кўрадиган бўлсак, йиллар давомида уларнинг сони ўзгариб борган, шу жумладан, 2019 йил ҳолатига кўра, 1503 та сув истеъмолчилари уюшмалари фаолият юритган ва уларда 7000 дан ортиқ ходимлар фаолият кўрсатган.

2021 йил 1 январдан бошлаб фермер ва деҳқон хўжалиklarининг, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг, бошқа сув истеъмолчиларининг сув истеъмоли режаларини тузиш ҳамда деҳқон ва фермер хўжалиklари ўртасидаги сув муносабатларини тартибга солиш мақсадида 161 та сув истеъмолчилари уюшмалари хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилда 63010 нафар сув истеъмолчилари мазкур уюшмаларга аъзо

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон Қарори //Lex.uz  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, илм-фан ютуқлари ва инновацион янгиликларни тизимли жорий этиш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 13 декабрдаги ПҚ-3432-сон қарори //Lex.uz

бўлиб, улардан 55867 таси фермер хўжаликларидир. Ҳозирда улар сув хўжалиги тизимининг энг куйи ва шу билан бирга энг асосий бўғини ҳисобланадилар.

Республикамизда ҳозирги кунда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа истеъмолчилар ўртасида ўзаро сув таъминоти муносабатларини тартибга солишда СИУнинг ўрни ва аҳамияти юқори бўлмоқда. Ушбу уюшма хўжалик ҳисоби асосида фаолият кўрсатиб, куйидаги вазифаларни бажаради:

сув ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш;

давлат сув хўжалиги ташкилотларидан сув олиш ва уни тақсимлаш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини назорат қилиш;

ички суғориш ва мелиоратив тармоқларни таъмирлаш, тозалаш ишларига уюшма аъзолари ҳамда бошқа истеъмолчиларнинг маблағларини жалб этиш;

сув кадастрини юритиш;

экин майдонларидан зовур ва қайнов сувларни чиқариш;

олинаётган ва тақсимланаётган сув ресурслари бўйича ҳисоб-китоб юритиш каби вазифаларни бажаради.<sup>5</sup>

Уюшма томонидан ушбу вазифаларни бажаришда асосий эътибор умумий ва суғориладиган ер майдонининг нисбатига қаратилади. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, умумий ер майдони 20 236,3 минг гектарни, шундан ҳайдаладиган ерлар 3 988,5 минг гектарни, кўп йиллик дарахтзорлар 383,1 минг гектарни, бўз ерлар 76 минг гектарни, пичанзор ва яйловлар 11 028,3 минг гектарни, бошқа ерлар 4 760,4 минг гектарни ташкил қилади.<sup>6</sup> Кейинги йилларда ушбу масала юзасидан маълум ишлар амалга оширилди, шу жумладан, мамлакатимизда ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда уларни ажратишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш, ер-сув ресурсларидан фойдаланишда замонавий бозор механизмлари, инновацион ва ресурс тежовчи технологияларни жорий қилиш, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш бўйича тизимли чоралар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида ўртача йиллик сув сарфи 45 696 млн. метр куб ёки иқтисодиёт тармоқларида истеъмол қилинган сув ресурсларининг 90 фоизини ташкил этади. Ер-сув ресурслари тобора танқис бўлиб бораётган шароитда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда экинларни иқтисодий самарадорлиги ҳамда бозор конъюнктураси инобатга олиниши ва интенсив қишлоқ хўжалиги жорий этилиши лозим. Ушбу масалада ривожланган давлатларда 1 метр куб сув билан 4-6 АҚШ долларлик маҳсулот етиштирилаётган бўлса, республикамизда бу кўрсаткич 0,15 АҚШ долларини ташкил этмоқда.

<sup>5</sup> Юлдашева И.З., Табаев А.З., Шафқаров Ф.Х. Сув истеъмолчилар уюшмаларида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва услубий асослари./ Монография. –Т.: ТИҚХММИ. 2019.-бет

<sup>6</sup> <https://water.gov.uz/uz/posts/1545735855>

Сув хўжалигини молиявий маблағ билан таъминлаш манбалари: бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари грантлар, сув истеъмолчиларининг бадаллари, чет эл инвестициялари ва бошқа манбалар бўлиши мумкин. Демак, молиялаштириш манбаси унинг ташкилий шакли ва давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга боғлиқ бўлади. Ушбу масалада чет элда, шу жумладан, Ўрта Осиё ҳудудида қуйидагича ёндашув амалга оширилган: “Ўрта Осиё ҳудудида молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат:

- марказлаштирилган давлат бюджети;
- маҳаллий ҳокимият бюджети;
- истеъмолчиларга сув етказиб бериш хизмати тўлов эвазига;
- электроэнергия тўлови (гидроэнергетика);
- дам олиш ва санаториялардаги шифобахш сувлар учун тўловлар;
- халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг кредити, гранти, техник ёрдамлари”.<sup>7</sup>

Ўрта Осиё давлатларида ўтиш даврининг қийинчиликлари туфайли давлат томонидан молиялаштириш етарли эмас ва ушбу ҳудуддаги давлатларда ўртача 10 фоиздан 40 фоизгача норматив бўйича харажатларни қоплаши мумкин бўлган эканлигини кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб, ушбу харажатлар манбаига мос равишда бухгалтерия ҳисоби ташкил қилинади. Кейинги йилларда ушбу харажатларнинг манбаларининг бир қисми бюджет маблағларидан амалга оширилади ва СИУда даромад ва харажатларни бир қисмини бюджет ҳисоби тизими асосида ташкил қилинишини тақозо қилади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида СИУлардаги бухгалтерия ҳисобини бир қисмини хўжалик ҳисоби асосида юритишни тақозо қилиниши муносабати билан бюджет ҳисобидан корпоратив бухгалтерия тизимига ўтиш амалга оширилмоқда.

Демак юқоридаги фикрларни умумлаштириб, ушбу тармоқда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш унинг мулк шакли, тармоқ хусусияти, катта-кичиклиги, бухгалтерия ҳисобининг мураккаблигига қараб ташкил қилишни тақозо этмоқда. Шу сабабли бизнинг фикримизча, сув хўжалигида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш жараёнида қуйидагиларни назарда тутиш лозим, деб ўйлаймиз:

- сув билан боғлиқ харажатларни ва уларни бюджетдан молиялаштириш тартибини сув хўжалиги ташкилотлари томонидан *бюджет ҳисоби* шаклида ташкил қилиш;

- сув хўжалиги ташкилотларининг фаолиятини бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва унинг давр харажатлари ҳисобини юритиш, харажатларни олинган тушум билан қоплаш тартибини йўлга қўйишнинг бевосита сув истеъмолчилари томонидан *молиявий ва бошқарув ҳисоби* асосида ташкил қилиш;

---

<sup>7</sup> Клаудиа Садофф, Майк Мюллер. Управление водными ресурсами, водохозяйственная безопасность и адаптация к изменению климата: первые воздействия и необходимые ответные меры. Астана, ПРООН, 2019.-425с. С.45-46.

сув хўжалиги ташкилотлари томонидан харажатларни олинган даромадлар ҳисобидан қопланиши ва фойда олинishi мумкинлигини эътиборга олган ҳолда кичик тадбиркорлик субъекти шаклида ўз-ўзини молиялаштириш асосида *соддалаштирилган бухгалтерия ҳисоби* тизими асосида юритилади;

*нодавлат нотижорат ташкилот* сифатида фаолият юритаётган субъектларда эса бухгалтерия ҳисобининг асосини ННТ бухгалтерия ҳисобини ташкил этиши бўйича йўриқнома асос бўлиб хизмат қилади.

Кейинги йиллардаги энг муҳим масалалардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини амалиётга жорий қилишда энг биринчи муаммо бўлиб, сув истеъмолчилари уюшмасида ишлаётган бухгалтерларга ушбу стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича кўникма ҳосил қилиш ва ушбу субъектларда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишнинг шу стандартларга мослаштириш масаласи ётади.

Демак, Ўзбекистон Республикасидаги сув хўжалигининг барча тармоқларида бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил қилиш ҳамда самарали юритишга алоҳида эътибор бериш зарурияти пайдо бўлади. Сув истеъмолчилари уюшмасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг мазмуни, моҳияти, мақсад ва вазифаларни эътиборга олган ҳолда бизнинг фикримизча қуйидаги гуруҳлар бўйича иш олиб бориш зарурияти вужудга келади:

назарий ва услубий;

ҳуқуқий ва меъёрий;

ташкилий, иқтисодий ҳамда амалий.

Шундай қилиб юқоридаги масалалар асосида хулоса қиладиган бўлсак, бухгалтерия ҳисобининг ташкилий-иқтисодий ва амалий муаммолари сифатида асосан қуйидагиларга ажратишимиз мумкин:

сув истеъмолчилари уюшмасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботни тузиш бўйича махсус йўриқнома;

ишчи счётлар режасини ишлаб чиқиш;

сув истеъмолчилари уюшмасида содир бўлаётган иқтисодий муносабатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш;

ишлаб чиқариш харажатларини бошқариш, уларни хусусиятлари бўйича туркумлаш;

сувни истеъмолчиларига етказиб бериш, бажарилаётган ишларнинг таннархини ҳисоблаш усулларини шакллантириш;


сув истеъмолчилари уюшмасида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва сувнинг хусусиятидан келиб чиқиб ички ҳисобот тизимини яратиш;

сув истеъмолчилари уюшмасида харажатлар ва етказиб берилган сувнинг таннархини назорат қилиш, таҳлилини ташкил этиш;

суғориш гектарлари ва уларнинг ҳисоб-китобларини юритиш тартибини ишлаб чиқиш.

Илмий изланишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ўзига хос хусусиятга эгадир. Шу жумладан, бизнинг фикримизча, республикамизда фаолият юритаётган сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини юритиш заруриятдан келиб чиқиб умумий тартибда бухгалтерия ҳисобининг ташкилий асосларига таъсир қилувчи омилларни қуйидагича гуруҳлашимиз мумкин:

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, сув истеъмолчилари уюшмалари нодавлат нотижорат ташкилот бўлганлиги сабабли, уларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда ушбу жиҳатлари инобатга олинади. Агар иқтисодий эркинлаштириш шароитига мослаб сув истеъмолчилари уюшмалари ирригация хизмати бадаллари ҳисобига фаолият юритадиган бўлса, бухгалтерия ҳисоби ушбу бадалларни тўпланиши ва мақсадга мувофиқ сарфланишини амалга ошириши лозим. Натижада, сув истеъмолчилари уюшмаларига ҳамма сувдан фойдаланувчилардан, яъни уюшмага аъзо бўлган (асосан фермерлар ва кластер хўжаликлар) ҳамда уюшма ҳудудидаги барча суғориш ва зовур тармоқларидан фойдаланиш, уларни ҳар доим яхши ишлайдиган ҳолатда сақлаш учун сув истеъмолчилари уюшмалари хизматларига тўланадиган ҳақ эвазига молиялаштириш манбаси вужудга келади.



**1-расм. Сув истеъмолчилари уюшмаларининг такомиллаштирилган ташкилий шакллари.<sup>8</sup>**

Ушбу масалада хорижий давлатларда ирригация ва мелиорация билан боғлиқ харажатларни ҳисоби ҳамда уларнинг даромадини тўғри ҳисобини ташкил этиш жараёнини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Шу жумладан, Россия Федерациясида сув хўжалиги ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби бюджет ҳисоби шаклида ташкил қилинади ва уларнинг асосий фаолияти давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Шу жумладан ушбу масалада иқтисодчи-олимлар Сабодырь М.И., Корзоватых Ж.М.<sup>9</sup> томонидан таъкидланишича, сув хўжалиги ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асосан бюджет ҳисоби тизимида ташкил этилади ва бошқа грант, чет эл инвестициялари ҳисоби ҳам шу тизим асосида юритилади. Бундан ташқари

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

<sup>9</sup> Сабодырь М. И., Корзоватых Ж. М. Управленческий учет в сфере водных ресурсов // журнал Экономические науки. 2/2015. С.12-19.



Россиялик олимлар Глазовский Н.Ф., Гордеев А.В., Сдасюк Г.В.нинг таъкидлашича, сув хўжалиги фаолияти бюджет ҳисобидан молиялаштирилиши кўрсатиб ўтилган<sup>10</sup>. Демак, ирригация ва мелиорация билан боғлиқ харажатлар ҳисоби ҳамда даромадини ҳисоби бюджет ҳисоби асосида ташкил қилинади.

Ушбу фикрларни умумлаштириб шуни таъкидлаш мумкинки, сув истеъмолчилари уюшмаларида хизматларни юз фоиз амалга оширган ҳамда суғориш сувини тўлиқ етказиб берган СИУлар томонидан харажатларни тўғри режалаштиришга салбий таъсир қилади ва натижада уларни зарар билан фаолият юритишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида СИУларда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш, унинг даромадларини ҳисобини юритиш учун бизнинг фикримизча, қуйидаги тартибда бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш лозим, деб ўйлаймиз:

сув истеъмолчилари фаолиятини самарали ташкил этиш учун шартномада жорий йилда етказиб бериладиган суғориш суви учун тўланадиган маблағнинг 30 %ини суғориш мавсумидан олдин ўтган йилнинг 31 декабригача олдиндан тўлов шаклида, 50 %ини жорий йилнинг 1 майигача ва қолган 20 %ини жорий йилнинг ҳосили даромадларини уларнинг ҳисоб рақамларига келиб тушгандан кейин мажбурий тўланишини жорий қилиш;

ўтган йили амалга оширилган 30 %ли олдиндан тўловни 3190-“Келгуси давр харажатлари” счётида ҳисобга олиб, жорий йилда уларни сув истеъмолчилари уюшмалари харажатлари 2010-“Асосий ишлаб чиқариш харажатлари” счётига ўтказиш ва тушумлардан қоплаш;

ҳозирда амалда қўлланилаётган майдонга асосланган тўлов ўрнига сув истеъмолчилари уюшмасида давр харажатларини истеъмол қилинган сув таннархига нисбатан тақсимлаш бўйича таклиф берилган.

Кейинги масала Ўзбекистон Республикасида сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва счётлар режасини белгилашда Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш учун зарур бўлган ишчи счётлар режасини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ушбу ишчи счётлар режасини ишлаб чиқишда қуйидаги масалаларни инобатга олиш зарур:

уюшманинг умумий таркиби ва фаолият ҳажми;

мавжуд бўлган сув истеъмолчилари билан амалга оширилаётган ҳисоб-китоб муносабатлари;

молиялаштириш манбалари ва давлат грантлари;

аъзолик бадаллари;

уюшманинг устав мақсадларини бажаришга йўналтирилган тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган фойдаси;

кўзда тутилмаган мақсадли тушумлар.

---

<sup>10</sup> Глазовский Н.Ф., Гордеев А., Сдасюк Г.В. Устойчивое развитие сельского хозяйства в сельских территориях: Зарубежный опыт и проблемы России. М.: Творчество научных изданий КМК, 2005. 614с.

Бизнинг фикримизча, ушбу ишчи счётлар режасига сув истеъмолчилари уюшмасининг хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги счётларни киритиш лозим:

8850—«Биргаликда фаолият бўйича шерикликнинг мақсадли тушумлари»;

8860 – «Сув истеъмолчиларидан тушумлар»;

8870 – «Кўзда тутилмаган мақсадли тушумлар».

Сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан бухгалтерия ҳисоби асосида ўзининг ички ҳисоботларини юритиши ва унинг шакллари танилаб олиши, ҳужжатлар айланишининг графигини тузиши, унда бухгалтерияга моддий қийматликлар бўйича ҳисоботлар топширилишининг муддатини белгилаши лозим, деб ўйлаймиз.

Диссертациянинг **“Сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини ва бошқарув таҳлилининг ташкилий масалалари”** деб номланган иккинчи бобида сув истеъмолчилари уюшмаларида бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари ва уларнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлилининг ташкилий асослари, ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва таннархини таҳлилининг ташкил қилиш ҳамда сув истеъмолчилари уюшмаларида сув тақсимооти ва истеъмолчилар билан иқтисодий муносабатларининг ҳисоби каби масалалар кенг ёритилган.

Ушбу СИУлар фаолиятини нодавлат нотижорат фаолияти ҳамда тижорат фаолияти даромадлари ва харажатлари ҳисобини алоҳида бўлиб юритиш лозим. Шу сабабли ушбу ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнида энг аввало ҳисоб сиёсатини тузишга катта эътибор қаратиш керак. Ушбу масалада иқтисодчи-олимлар И.Очилов, Ш.Раҳматова томонидан шундай фикр билдирилганлигини кўришимиз мумкин: “Ҳисоб сиёсатини тузишда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш тавсия қилинади.

1. Ҳисоб сиёсатида амалдаги бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги қонунчиликка биноан вариантлар назарда тутилган процедураларгина акс эттирилади. Меъёрий ҳужжатларда аниқ ёзилган процедуралар ҳисоб сиёсатида кўрсатилмайди.

2. Ҳисоб сиёсатига меъёрий ҳужжатларни тавсифлашни ёки зикр қилишни киритиш жоиз эмас”<sup>11</sup>. Демак, ушбу жараёнда асосий масала ҳисоб сиёсати ва ишчи счётлар режасини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Кейинги масала ушбу тармоқ хусусиятини ҳисобга олиш, даромад ва харажатларни ҳисобини тўғри ташкил этиш ҳисобланади. Ушбу масалада иқтисодчи-олим М.Б.Калонов томонидан шундай фикр билдирилган: “Республикамизда бухгалтерия ҳисобида даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишда ягона услубий асос сифатида қараладиган низомда айрим тармоқлар харажатлари таркиби ва уларни ҳисобга олиш хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда тегишли вазирликлар ва идоралар хўжалик бирлашмалари

---

<sup>11</sup> Очилов И.К., Раҳматова Ш.Ш. Нодавлат нотижорат ташкилотларида ҳисоб сиёсатини тузиш ва тақдим этиш тартиби// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2020 йил.1-10бетлар

(корпорациялар, концернлар, уюшмалар, компаниялар ва бошқалар) томонидан аниқланиши каби имкониятлар берилган”<sup>12</sup>. Демак, тармоқ масалан сув хўжалигида барча харажат ва даромадларни мунтазам равишда қайд этиб боришдан кўзланган мақсад муайян давр мобайнида пул тушумлари ҳамда харажатларни ҳисобга олишнинг назарий асосини яратишдир. Ушбу масалада иқтисодчи-олимлар Хасанов Б.А., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.Қ. томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисобини халқаро ҳисоб тизими асосида такомиллаштириш, жумладан, ахборотларни ўз вақтида фойдаланувчиларга етказиш, тижорат сирининг сақланишини таъминлаш, корхона бухгалтериясини икки мустақил қисм: молиявий ва калькуляция ҳисобига бўлинишини шарт қилиб қўйди. Бухгалтериянинг мустақил қисмларга бўлиниши молиявий ҳисобни марказлаштириш ва калькуляция ҳисобини номарказлаштиришга сабаб бўлди”<sup>13</sup>. Шундай қилиб, юқоридаги ҳисоб сиёсати, даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш масаласидаги турли фикрларни умумлаштириб, бизнинг фикримизча, СИУларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда ҳисоб сиёсати қуйидаги тартибда ташкил қилиниши керак:

#### 1-жадвал

#### Сув истеъмолчилари уюшмаларида ҳисоб сиёсатининг таркиби (таклиф)<sup>14</sup>

Бўлим номи	Таркиби
<i>Умумий бўлим</i>	СИУда ҳисоб сиёсати асослари шакллантирилади: (тармоқ хусусияти; ҳуқуқий-меъёрий асослари; ҳисоб сиёсатининг тамойиллари)
<i>Услубий бўлими</i>	Ҳисоб объектлари (узок муддатли ва жорий активлар, хусусий капитал, жорий ва узок муддатли мажбуриятлар):тан олиниши, баҳолаш, қадрсизланиш, ишчи счётларни тузиш ва уларда акс эттириш
<i>Техникавий бўлим</i>	СИУларда ҳужжатлар айланиши ва умумлаштириш; бухгалтерия ҳисоби регистрлари; операцияларни счётларда акс эттириш; гуруҳлаштириш; инвентаризация; дастурий таъминоти ва молиявий ҳисоботларни шакллантириш
<i>Ташкилий бўлим</i>	Бош бухгалтерга бўлган малакавий талаблар, вазифалар, ҳуқуқлари, жавобгарлиги; бухгалтерия аппарати ва унинг тузилмаси

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда СИУларнинг ҳисоб сиёсатини ташкил қилишда халқаро стандартларга мос равишда унинг ҳисоб

<sup>12</sup> Калонов М.Б. Даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили услубиёти (автотранспорт корхоналари мисолида). Монография. Ташкент: Akademnashr, 2019.-352б

<sup>13</sup> Хасанов Б.А., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.Қ. Амалий бошқарув ҳисоби.Ўқув қўлланма. –Т.: “Молия”, 2013. -336б. Б.15.

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

объектларини такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлади. Айниқса бухгалтерлар томонидан барча даромад ва харажатлар аниқ қайд қилиниши лозим. Шундай қилиб, юқоридаги фикрларни умумлаштириб, қуйидаги хулосалар қилинди: 1)Тегишли давлат органларининг иқтисодий субъектларга нисбатан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботини тўғри ташкил қилиш талаби мавжудлиги. 2)Давлат органларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботини қандай юритиш борасидаги талабларни белгилайди. Ушбу талабларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади.

## 2-жадвал

### Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани сув истеъмолчилари уюшмасининг 2020 йил БИЗНЕС РЕЖАСИ

(минг сўм ҳисобида)<sup>15</sup>

№	Харажатлар номи	Сумма	Асослари
1.	Йиллик иш ҳақи, кўшимча ва мукофотлар Шу жумладан: а) йиллик иш ҳақи б) мукофот фонди 40 % в) моддий ёрдам бир ойлик иш ҳақи миқдориди(бир марта)	205 923,9  150 000,0 54 085,4  1 838,5	Штат жадвали ва умумий йиғилиш қарори
2.	Иш ҳақиға нисбатан ижтимоий суғурта тўловлари 12 %	24710,8	Амалдаги тартиб бўйича
3.	Ишлаб чиқариш харажатлари; ш.ж: а) Ариқ-зовурларни тозалаш б) электроэнергия харажатлари в) Ёқилғи ва мойлаш материаллари г) Алоқа хизмати д) Асосий воситалар амортизацияси	150 075,0 130 000,0 2365,0 7850,0 520,0 9340,0	Харажатлар сметаси асосида ҳисоб-китоблар
	Жами ишлаб чиқариш харажатлари	<b>380709,7</b>	
4.	Маъмурий хўжалик харажатлари	4210,0	Тақдим этилган хужжатлар бўйича
5.	Жами харажатлардан мелиоратив фонд учун 10 %	38492,0	
6.	Жами даромад	420572,0	
7.	Уюшма хизмат кўрсатадиган майдон (гектар ҳисобида)	10257	Бириктирилган экин майдон
8.	Уюшма учун ажратилган йиллик сув ҳажми (лимит) м <sup>3</sup>	336458	Сув тақсимоли лимити
9.	1 м <sup>3</sup> сув учун фермер хўжалиги ва бошқа сув истеъмолчилари томонидан тўланадиган тўлов миқдори (сўм /м <sup>3</sup> )	1144,0	

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари муаллиф томонидан таҳлил қилинган.

СИУларнинг иқтисодий аҳволи тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиш учун ҳам бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботини тўғри юритилишини таъминлаш зарур. Бу уюшмани тўғри бошқаришда, яъни йилни фойда билан яқунлаш ҳамда келажақда истиқболли режаларни тузиш ва уларни амалга оширишда бошқарув таҳлили жуда муҳим ҳисобланади. СИУларида бухгалтерия ҳисоби смета харажатларини бажариш бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш жараёнларини тўлиқ ва бевосита ёритиш орқали хўжалик фаолияти натижаларини ўсишига хизмат қилмоқда. Ташкилот балансидаги барча жараёнларни ўз вақтида ва тўлиқ ёритиш самарали бошқариш учун омил бўлади.

Жумладан, СИУ ўз мақомига асосан фермер хўжаликларининг ихтиёрий ўзаро бирлашиши ва СИУнинг олдида қўйилган вазифалар фермер хўжаликлари томонидан бериладиган бадал тўловлари ҳисобига амалга оширилади. Шунга кўра, республикадаги барча фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонига асосан ҳамда сув истеъмолчилар уюшмасининг бизнес режасига асосан бухгалтерия ҳисоби ташкил қилиниши ва юритилиши зарур.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани сув истеъмолчилари уюшмасининг 2020 йил бизнес-режасида жами ишлаб чиқариш харажатлари 380709,7 минг сўмни ташкил қилиб, шундан асосий харажатларни иш ҳақи ва эксплуатация харажатлари, ариқ ва зовурларни тозалаш харажатлари учун режалаштирилган. Уюшма учун йиллик ажратилган сув ҳажми 336458 м<sup>3</sup> ташкил этган ва ҳар бир метр куб сув учун ирригация хизмати бадали 1144 сўмни ташкил этган.

### 3-жадвал

**Элликқалъа тумани сув истеъмолчилари уюшмаси асосий ишлаб чиқариш харажатларини бошқарув таҳлили.**(минг сўм ҳисобида)<sup>16</sup>

№	Ишлаб чиқариш харажатлари таркиби	2017	2018	2019	2020
1.	Мироб ва асосий ишчиларга иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов харажатлари	125412	131257	144278	154719
2.	Махсус техника воситаларини жорий таъмирлаш харажатлари	12327	10466	18204	24756
3.	Махсус техника воситаларини сақлаш ва эксплуатация қилиш харажатлари	28104	29122	31247	12769
4.	Хўжалик суғориш тармоқларини тозалаш бўйича харажатлар	12325	10452	18347	12752
5.	Бошқа асосий харажатлар	2456	7801	9104	10421
	<b>Жами ишлаб чиқариш харажатлари</b>	<b>180624</b>	<b>189098</b>	<b>221180</b>	<b>215417</b>

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан амалий маълумотларни ўрганиш асосида таҳлил қилинган.

